

УДК:635.6/635.7

**ЎТЛОҚИ АЛЛЮВИАЛ ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА
ПАРВАРИШЛАНАЁТГАН ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ БИР ДОНА
КЎСАҚДАГИ ПАХТА ВАЗНИГА ТАЪСИРИ**

Генжемуратов Абдиқадир Сайлаубаевич

*Қорақалпогистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти
“Сув хўжалиги ва ердан фойдаланиши” кафедраси асистенти*

Аннотация: Ушбу мақолада ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % тартибида парваришланган ғўзанинг “С-4727” ва “Султон” навлари олиб борилган тадқиқот натижасида бир дона кўсакдаги пахта вазнига таъсири бўйича маълумотлар баён этилган.

Калит сўзлар: Ўтлоқи аллювиал тупроқлари, ғўзанинг “С-4727” ва “Султон” навлари, суғориш тартиби, ЧДНСга нисбатан 70-70-60 %, бир кўсакдаги пахта вазни, пахта ҳосилдорлиги.

Аннотация: В статье приведены данные по результатам проведенного исследования по изучению влияния предполивной влажности почвы сортов хлопчатника «С-4727» и «Султан» на массу хлопчатника с коробочки в условиях луговых аллювиальных почв в размере 70-70-60% относительно ППВ.

Ключевые слова: Лугово-аллювиальные почвы, сорта хлопчатника «С-4727» и «Султан», режим орошения, 70-70-60% по сравнению ППВ, масса хлопка-сырца в коробочке, урожайность хлопка-сырца.

Кириш. Кейинги йилларда глобал иқлим ўзгаришида дунё бўйича энг катта муаммолардан бири сув танқислиги қўпайиб бораётган шароитда қишлоқ хўжалиги экинлардан мўл ҳосил етиштиришда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, бир центнер пахта ҳосил олиш учун кетган сув

сарфини камайтириш асосий меъзонлардан бири бўлиб келмоқда.

Кишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш, суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, глобал иқлим ўзгаришлари кузатилаётган шароитда мавжуд сув манбаларидан оқилона фойдаланган ҳолда экологик тоза маҳсулот етиштириш бугунги куннинг долзарб талабларидан ҳисобланиб бунинг учун экинларнинг талабига мос равища суғориш усули ва тартибини қўллаш талаб этилади.

И.Абдурахмоновнинг [1] тажрибаларида ЎзПИТИ-201 ғўза навида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60 % намликда суғорилиб, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75-75-70 % намликга нисбатан 4,8 ст/га юқори ҳосил олишга эришганини такидлаган.

М.Авлиёқулов, Н.Дурдиевларнинг [2] тажрибаларида ўртапишар ғўза навларини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 % намлик тартибида 1-3-1 тизимда 5 маротаба суғориш, суғориш меъёри гуллашгача 736 м³/га, гуллаш – ҳосил тўплаш даврида 907,5 м³/га, пишиш даврида 872,8 м³/га бўлиб, мавсумий суғориш меъёри 4716,3 м³/га ни ташкил қилиши ўрганилган.

Р.Назаров ва М.Тожиевлар [4] таъкидлашича 1 гектар майдондаги ғўзани суғориша сарфланадиган суғориш суви ёки мавсумий суғориш меъёри ўсув даврида қуйидагича тақсимланган бўлиши керак, униб чиққандан то шоналагунча 6-10%, шоналашдан то гуллагунча 12-16%, гуллашдан то кўсак очилгунча 55-60% ва пишиш даврида 16-20% ни ташкил этганлиги кузатилган.

С.Рахмонқулов ва бошқаларнинг [5] тадқиқотларида, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-75-70% да суғорилганда суғориш олди тупроқ намлиги 65-70-65% суғорилганга нисбатан ҳосил элементлари ва кўсаклар сони 0,7-0,8 донага кўп, бир кўсакдаги пахта вазни 0,8 граммгача, ҳосилдорлик 3,7 ц/га юқори бўлиши таъкидланган.

М.Ҳамидовнинг [6] ўтказган тажрибалари асосида ўрганилганда,

грунт сувлари сатҳи 1,2-1,6 м бўлган кам шўрланган ўтлоқи оғир қумоқ тупроқларда ғўза етиширилганда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-60% бўлганда, энг қулай шароит юзага келганлиги ва тупроқнинг бундай намлик режими озиқлантирувчи суғориш ҳамда 1-3-0 схемаси бўйича 4 та суғориш, бир марталик суғориш меъёри 700-900 м³/га, мавсумий суғориш меъёрлари 4200 м³/га ташкил этган. Бундай суғориш режими орқали 45 цт/га гача пахта ҳосили олиш мумкинлигини тажрибасида таъкидланган.

М.М.Хасанов, Х.Маъруфханов [7] олиб борилган тадқиқот тажрибаларида бир дона қўсакдаги пахта вазни оддий усулда чигит экиб, ғўза қатор орасига шу усулда ишлов берилганда 5,3 граммни, олти қаторли агрегатни ғўза парваришлишда қўлланилганда бу қўрсаткич 5,9-6,0 граммни ташкил этиб, бу оддий усулга нисбатан 0,6-0,7 граммга юқори бўлишлиги таъкидланган.

А.Ходжиеv, С.Темировларнинг [8] олиб борилган тадқиқот натижаларининг Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида олиб борган кузатув натижаларида ТТЗ-80.11 ҳамда МТЗ-80Х тракторларига осиладиган КХУ-4Б культиваторлари билан 76 см қатор оралигига мослаб, ғўзага вегетация даврида ишлов берилганда 90 см га нисбатан 4,0-4,7 центнергача қўшимча ҳосил олишга эришилган.

Тадқиқот услублари: Илмий изланишларимизни 2020-2022 йиллар давомида Қорақолпогистон республикасининг ўтлоқи аллювиал, сизот сувлари сатҳи (1,5-2,0 м) чукурликда жойлашган тупроқлари шароитида ғўзанинг “С-4727” ва “Султон” навларини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % тартибда ишлаб чиқариш шароитида суғориш (назорат), эгатлаб суғориш, эгатга плёнка тўшаб суғориш ва қарама-қарши суғориш тадқиқотлари олиб борилди. Илмий тадқиқот изланишлари ЎзПИТИ да қабул қилинган «Методика полевых опытов с хлопчатником» (1981), “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (2007) қўлланмалари

асосида олиб борилди, [3].

Тадқиқот предмети бўлиб, тупроқнинг сув-физик хоссалари, сизот сувлари сатҳи ва минерализациясининг ўзгариши, ғўзани ер устидан эгатлаб суғоришнинг такомиллашган сувтежамкор усуслари, ғўзани суғориш тартиби ва технологиялари, ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва сув истеъмолини аниқлашнинг турли услублари ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари муҳокамаси: Дала тажрибаси ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида ўрганилган ғўза навларида бир дона кўсакдаги пахта вазнининг ҳосил шоҳлари бўйича ўзгаришига суғориш олди тупроқ намлигининг ЧДНСга нисбатан 70-70-60 суғориш тартибининг парваришилашда ғўзани ишлаб чиқариш шароитида суғориш (назорат), эгатлаб суғориш, эгатга плёнка тўшаб суғориш ва қарама-қарши суғоришда сезиларли таъсир кўрсатиши билан бир қаторда ўрганилган ғўза навларининг биологик хусусиятларига ҳам боғлиқ эканлиги кузатилди.

2020 йилдаги таҳлиллар натижасида ўрганилган ғўза навларининг бир дона кўсакдаги пахта вазнининг кўрсаткичлари ғўзанинг “С-4727” навида (назорат) вариантида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 % суғориш тартибда ишлаб чиқариш шароитида суғорилган варианта бир дона кўсакдаги пахта вазни 4,0 граммни, айнан шундай суғориш тартиби қўлланилган фақат эгатга плёнка тўшаб суғорилган варианта бир дона кўсакдаги пахта вазни 4,2 граммни ташкил этиб, назорат вариантига нисбатан 0,2 граммга юқори бўлган бўлса, ғўзанинг “Султон” (назорат) вариантида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 % суғориш тартибда ишлаб чиқариш шароитида суғорилган варианта бир дона кўсакдаги пахта вазни 4,0 граммни, айнан шундай суғориш тартиби қўлланилган фақат эгатга плёнка тўшаб суғорилган варианта бир дона кўсакдаги пахта вазни 4,1 граммни ташкил этиб, назорат вариантига нисбатан 0,1 граммга юқори эканлиги аниқланди, (1-жадвал).

1-жадвал

Бир дона кўсақдаги пахта вазни, грамм ҳисобида

№	Fўза навлари	Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан, %	Бир дона кўсақдаги пахта вазни, гр			
			2020 й.	2021 й.	2022 й.	Ўртacha уч йиллик, гр
1	C-4727	70-70-60	4,0	4,1	4,2	4,10
2			4,1	4,1	4,2	4,13
3			4,2	4,3	4,4	4,30
4			4,1	4,2	4,3	4,20
5	Султон		4,0	4,0	4,2	4,07
6			4,1	4,1	4,2	4,13
7			4,1	4,2	4,3	4,20
8			4,0	4,1	4,3	4,13

2020-2022 йиллар таҳлиллар натижасига қўра ўрганилган ғўзанинг “C-4727” навида (назорат) вариантида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 % суғориш тартибида ишлаб чиқариш шароитида суғорилган вариантда ўртacha уч йилда бир дона кўсақдаги пахта вазни 4,10 граммни, айнан шундай суғориш тартиби қўлланилган фақат эгатга плёнка тўшаб суғорилган вариантда бир дона кўсақдаги пахта вазни 4,30 граммни ташкил этиб, назорат вариантига нисбатан 0,20 граммга юқори эканлиги аниқланди.

Ғўзанинг “Султон” (назорат) вариантида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 % суғориш тартибида ишлаб чиқариш шароитида суғорилган вариантда ўртacha уч йилда бир дона кўсақдаги пахта вазни 4,07 граммни, айнан шундай суғориш тартиби қўлланилган фақат эгатга плёнка тўшаб суғорилган вариантда бир дона кўсақдаги пахта вазни 4,20 граммни ташкил этиб, назорат вариантига нисбатан 0,13 граммга

юқори эканлиги аникланди.

Хулоса: Ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида олинган натижаларда ғўзанинг “С-4727” навлари (назорат) сугориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 % тартибда сугорилган ишлаб чиқариш шароитида сугорилган вариантилизда ўртача уч йилда 28,2 ц/га, шу тартибда фақат эгатга плёнка тўшаб сугорилган вариантилизда 34,6 ц/га пахта ҳосили олинган бўлса, ғўзанинг “Султон” навида юқоридагиларга мос ҳолда 29,3 ва 37,3 центнерга пахта ҳосили олинганлиги қузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдурахмонов И. Тупроқقا асосий ишлов беришдаги янги такомиллаштирилган минимал технологиянинг пахта ҳосилдорлигига таъсири. // Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги журналининг агротехнологияларини оид иловаси 5-сон (62) 2019 йил Б-16-17.
 2. Авлиёқулов М., Дурдиев Н. Ғўзани сугоришида янги замонавий веттинг фронт детектор (WFD) асбобидан фойдаланиш бўйича тавсиянома. Тошкент, 2020 й. Б-14-16.
 3. Дала тажрибаларини ўтқазиш услублари ЎзПТИ. Тошкент, 2007 й. –Б. 146.
 4. Назаров Р., Тожиев М. Мўл ҳосилга замин. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали – Тошкент, 2006. №5. –Б. 2.
 5. Раҳмонқулов С., ва бошқалар. Табиий гармсел шароитида ғўзанинг “Истиқлол-14” навини сугориш муддатлари ва меъёрлари. //Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги журнали агротехнологияларини оид иловаси. Тошкент, 2019 й. -№ 6. (63). –Б. 20-21.
 6. Хамидов М. Қорақалпоғистоннинг жанубий туманлари сугориладиган ерларида ғўзани сугориш тартиблари. //Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги журналининг агротехнологияларини оид иловаси Maxsus сон (82) 2022 йил Б-52-53.

7. Хасанов М.М., Маъруфханов Х. Такомиллаштирилган олти қаторли сеялка ва культиватор билан чигит экиш ҳамда ғўза қатор орасига ишлов бериш самарадорлиги. //Дала экинлари селекцияси, уруғчилиги ва агротехнологияларининг долзарб йўналишлари. Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Тошкент, 2016. –Б. 262-264.
8. Ходжиев А., Темиров С. Пахтачилик культиваторига универсал иш органи. //Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги журналининг агро илм илмий иловаси № 1. (57) 2019 йил Б-88.